

## ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ОБЪЕКТЛАРИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ: ВАЗИФАЛАР, ШАКЛЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

© Шокиров Фаррухбек Одилжон ўғли

*Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Хизматни ташкил этиши ва мувофиқлаштириши бўлими Таълим муассасаларини қўриқланишини ташкиллаштириши бўлинмаси катта инспектори, катта лейтенант*

*e-mail: [farruxbekshokirov94@gmail.com](mailto:farruxbekshokirov94@gmail.com)*

*телефон: +99899 707 90 44*

**Аннотация:** Мазкур мавзуда қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланадиган объектлар ҳудудида хуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг мазмун-моҳияти, асосий вазифалари ҳамда ўзига хос жиҳатлари илмий-амалий нуқтайи назардан ёритилади. Профилактик фаолият объект хавфсизлигини таъминлаш, кириш-чиқиш режимига риоя этилишини назорат қилиш, мулк ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш, хавф омилларини барвақт аниқлаш ва уларни нейтраллаштириш, шунингдек фавқулодда ҳолатларда тезкор ҳаракат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида талқин этилади. Мавзуда қўриқлаш хизмати профилактикасининг ўзига хослиги сифатида: режимли ҳудудда ишлаш, хавфларни рискка асосланган баҳолаш, техник қўриқлаш воситалари (видеокузатув, сигнализация, назорат-ўтказиш пунктлари) билан уйғун фаолият, ҳодисаларни ҳужжатлаштириш ва ахборот алмашинуви, шунингдек ходимларнинг хизмат интизоми ва коммуникация маданияти алоҳида таъкидланади. Хулоса сифатида, қўриқланадиган объектларда хуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги стандартлаштирилган тартиб-таомиллар, профилактик режалаштириш ва комплекс хавфсизлик моделини тўғри қўллашга боғлиқ экани асосланади.

**Калит сўзлар:** қўриқлаш хизмати, қўриқланадиган объект, хуқуқбузарликлар профилактикаси, объект хавфсизлиги, кириш-чиқиш режими, назорат-ўтказиш пункти, видеокузатув, сигнализация, риск омиллари, патрул ва пост хизмати, ҳужжатлаштириш, тезкор жавоб, фавқулодда ҳолат, техник қўриқлаш воситалари, профилактик режа.

Қўриқланадиган объектлар (давлат, ижтимоий ёки хусусий аҳамиятга эга бинолар, корхоналар, омборлар, инфратузилма объектлари) ҳудудида хавфсизликни таъминлаш хуқуқбузарликларни барвақт олдини олишдан

бошланади. Шу маънода кўриқлаш хизмати профилактикаси — фақат постда туриш эмас, балки режимни сақлаш, хавфни олдиндан кўриш, техник назоратни самарали қўллаш ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдиришга асосланган тизимли фаолиятдир. Мазкур йўналишни назарий ва амалий жиҳатдан тўғри тавсифлаш кўриқлаш хизмати самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу жараён, айниқса, кўриқлаш хизматларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон Қарорида<sup>1</sup> маҳалла ва ҳудудлар миқёсида хавфсиз муҳит яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда рақамли бошқарув элементларини жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Ушбу қарорда кўриқлаш хизматларининг фаолиятида замонавий мониторинг тизимлари ва тезкор ахборот алмашинувини ташкил этиш, хавфсизликнинг интеллектуал бошқарув моделини шакллантириш долзарб вазифа сифатида қайд этилган.

Шу билан бирга, Президентнинг 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ–253-сон Қарори<sup>2</sup> да эса “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали уй-жой” ташаббуслари орқали жамоат хавфсизлиги соҳасида янги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этилди. Бу эса кўриқлаш хизматининг давлат-жамоат ҳамкорлиги асосидаги фаолиятини кенгайтиришга, унинг профилактик ва назорат функцияларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга замин яратди.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/uz/docs/7330260>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ 253-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/7690026>

Ҳуқуқий жиҳатдан кўриқлаш фаолиятининг асосий йўналишлари “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>3</sup> орқали мустақамланган бўлиб, унда кўриқлаш хизмати фақат давлат мулкани муҳофаза қилиш билан чекланмаслиги, балки хусусий ва жамоат объектларида хавфсизликни таъминлаш, хавфли вазиятларни олдиндан аниқлаш, профилактик чоралар кўриш ва ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифалари ҳам белгиланган. Бу қонуннинг амалий татбиқи мамлакатда хавфсизлик соҳасида давлат ва нодавлат секторлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ҳуқуқий моделини шакллантирди.

Янги Ўзбекистон шароитида инсон хавфсизлиги тамойиллари асосида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш жараёнларида жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили<sup>4</sup>нинг тўлақонли ва самарали жорий этилишида кўриқлаш хизмати муҳим бўгин сифатида намоён бўлмоқда. Унинг фаолияти нафақат моддий объектларни муҳофаза қилишга, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, тартиб-интизомни мустақамлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Шу билан бирга, кўриқланадиган объектлар ҳудудида юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар табиати жиҳатдан мулкӣ, меҳнат муносабатлари, жамоат тартиби ёки жиноят таркибига оид бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларни барвақт олдини олишда махсус тайёргарликка эга, замонавий техник-технологик воситалар билан таъминланган кўриқлаш хизматларининг иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу соҳадаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, фаолиятнинг функционал тавсифи ва унинг самарадорлигини тизимли равишда, илмий услубият асосида таҳлил қилиш долзарб илмий вазифа саналади.

Мавзунинг долзарблиги, аввало, кўриқлаш хизмати фаолияти — айниқса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик йўналиши — ни тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий базани илмий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш заруратида намоён бўлади. Бу эса мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш, тарқоқ меъёрларда ифода этилган вазифа-ваколатларни яхлит ва уйғун механизмга солишни тақозо этади. Мазкур

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/6066682>

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 27-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/ru/docs/5749291>

вазифалар 2022 йил 28 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон Фармонида белгиланган стратегик устувор йўналишларга, “Янги Ўзбекистон”ни барпо этишга қаратилган Тараққиёт стратегияси тамойилларига тўла мос келади<sup>5</sup>. Хусусан, Стратегиянинг 8-мақсади “*Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш*”га қаратилган бўлиб, бунда кўриқлаш хизматини ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва барқарорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви ҳамда суд-ҳуқуқ тизимларида нормаларнинг бир хил ва узвий қўлланилишига хизмат қиладиган таъсирчан институционал механизмларни ишлаб чиқишни талаб этади<sup>6</sup>.

Мазкур норма ижодкорлиги юзасидан қатор ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий назарий қарашларини илгари суришган. *А.Ш. Содиқовнинг* фикрига кўра, ҳар бир мустақил давлатда норма ижодкорлиги жараёнида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шу давлатнинг демократик ёндашувлари, сивилизацияси ва маданий даражасини намоён этадиган муҳим мезондир<sup>7</sup>. Дарҳақиқат, нормаларнинг амалиётда самарали “*ишлаб кетиши*” учун ахборот-аналитик базаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ахборот алмашинувини институционаллаштириш ва АКТни кенг жорий этиш каби устувор вазифаларни амалга ошириш келгусида нормалар татбиқининг барқарор механизмини таъминлайди.

Шу маънода, *Ш.А. Сайдуллаев* норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида “*ҳуқуқий бўшлиқ*”ни аниқлаш муаммосини алоҳида таъкидлайди: ваколатли субъект ҳуқуқни қўллаш жараёнида мавжуд муаммога қонун ҳужжатларида аниқ ечим топа олмаса, бу ҳолат ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлигини англатади<sup>8</sup>. Ушбу ёндашув ҳуқуқий тартибга солишнинг реал эҳтиёжларини амалий равишда “*фоиш этиши*”га хизмат қилади ва кейинги нормоижодкорлик қадамларини илмий асослашни тақозо этади<sup>9</sup>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / Lex.uz.

<sup>6</sup> *Ўша манбаа*: 8-мақсад — “Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш” // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / Lex.uz.

<sup>7</sup> *Содиқов А.Ш.* Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш: илмий-амалий масалалар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 33-34-бб. / huquq-2020-s4.pdf

<sup>8</sup> *Сайдуллаев Ш.А.* Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / 75-бет.

<sup>9</sup> *Сайдуллаев Ш.* Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг методологик муаммолари // Обзор законодательства Узбекистана // [sudacademy.uz](http://sudacademy.uz)

Рус ҳуқуқшунослари *В.Н. Лихачев, Е.И. Спектор* ва *Ф.Р. Уранский*лар ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш методларидан тўғри фойдаланиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беришини кўрсатадилар:

1) *ҳужжатда гўё бўшлиқ бор деган нотўғри хулосалардан сақлаш ва асоссиз “тўлдириш”ни чеклаш;*

2) *ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан бўшлиқни тўлдириш имкони мавжудлигини мезонлар асосида ҳал қилиш;*

3) *ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражасига мувофиқ қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишининг объектив заруратини баҳолаш;*

4) *тегишли ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида янги ҳуқуқий конструкциялар ишлаб чиқиш вазифаларида бўшлиқни бартараф этиш заруратини режалаштириш*<sup>10</sup>.

*В.В. Лазарев* эса назарий-методологик жиҳатдан биринчи навбатда бўшлиқни аниқлаш вазифасига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди: бўшлиқ мавжудлигини тўғри белгилаш қонунийликка риоя этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш фаолиятини тўғри йўналтиришнинг бирламчи шартидир<sup>11</sup>.

Бўшлиқларни аниқлаш методлари, аввало, норма ижодкорида “бўшлиқ” ҳодисасининг моҳияти ва унинг шакллари тўғрисидаги тасаввур қай даражада шаклланганига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ушбу методларни ҳуқуқшунослик методологияси категориялари тизими таркибий элементи сифатида тавсифлаш мумкин. Миллий адабиётда *М.К. Нажимов* норма ижодкорлиги жараёнининг назарий-ташкилий асосларини баён этиб, нормотворчиликда ахборот билан таъминлаш ва таҳлилнинг “тегишли босқичма-босқич” амалга оширилиши зарурлигини, шу жумладан, ҳуқуқий техника ва лисоний мувофиқлик мезонларига қатъий риоя қилишни илгари суради<sup>12</sup>.

Шунингдек, *Д.Б. Абушенко* эса ҳуқуқий бўшлиқнинг амалда ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар микёси мувофиқ нормалар

<sup>10</sup> *Лихачев В.Н.* Установление пробелов в современном международном праве. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1989. – С.7; *Спектор Е.И.* Пробелы в законодательстве и пути их преодоления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 21 с.; *Уранский Ф.Р.* Пробелы в праве и способы их восполнения в правоприменительной деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – 22 с.

<sup>11</sup> *Лазарев В.В.* О видах пробелов в праве // Правоведение. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969, № 6. – С.30;

<sup>12</sup> *Нажимов М.К.* “Норма ижодкорлиги” // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик Университети / [pdf.dotool.net+1](http://pdf.dotool.net+1)

қамровидан ортиб кетган ҳолатларда намоён бўлишини таъкидлайдилар <sup>13</sup>. Шунингдек, у бундай ҳолатларда судлов ва маъмурий амалиётда ҳокимлик (усмотрение)нинг чегаралари ва қонуний асослари масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш жараёнини икки узвий боғлиқ босқичга ажратган маъқул:

а) бўшлиқни “*кўрсатиш*” (индикация) — турли субъектлар (*илмий жамоа, амалий мутахассислар, фуқаролар*) томонидан муаммони илмий-амалий тарзда белгилаб қўйиш;

б) бўшлиқни “*ўрнатиш*” — ваколатли давлат органлари томонидан уни ҳуқуқий расмийлаштириш ва бартараф этиш механизмларини ишга тушириш<sup>3</sup>.

Бу ерда турли субъектлар томонидан амалга оширилган “*кўрсатиш*” фактларининг юридик аҳамияти турлича бўлади. Бунда илмий жамоа томонидан кўрсатилган бўшлиқ тўғридан-тўғри юридик оқибат туғдирмасликка қарамай, норма ижодкорлиги ташаббуси учун методологик асос сифатида унинг вазифасини бажаради шунингдек, норма ижодкори эса “*ўрнатиш*” орқали ҳуқуқий оқибатларни шакллантиради<sup>14</sup>. Шунингдек, судларнинг роли ҳақидаги баҳсларда ҳам фарқлаш муҳим: судлар, одатда, аниқ иш асосида яқуний қарор қабул қилади; аммо маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ва судга киритиш каби босқичлар махсус ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда, *В.В. Лазаревнинг* методологик таклифига кўра, бўшлиқни аниқлашда қуйидагилар тизимли таҳлил этилиши шарт. Буларга: *а) амалдаги ҳуқуқ тизимининг мазмуни; б) ҳужжат қабул қилинган (ёки талаб этувчи) моддий ижтимоий муносабатлар; в) нормотворчиликдаги иродавий муносабатлар; г) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги амалиёти; д) ҳуқуқни қўллаш амалиёти; е) ҳуқуқий онг*. Ана шундагина бўшлиқ мавжуд ёхуд мавжуд эмаслиги ҳақида асосли хулоса чиқариш ва уни самарали бартараф этиш мумкин бўлади дейди<sup>15</sup>.

Дарҳақиқат, норма ижодкорлиги жараёни демократик легитимлик ва ҳуқуқий маданият мезонларига мос, ахборот-таҳлилий асосланган ҳамда методологик жиҳатдан пухта тузилган бўлиши шарт. Бундай ёндашув, аввало, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқ ташхислаш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий

<sup>13</sup> *Абушенко Д.Б. Судебное усмотрение в гражданском и арбитражном процессе.* — М.: Норма, 2002. — 176 с.

<sup>14</sup> *Черногор Н.Н., Залоило М.В. Актуальные проблемы правотворчества: учебное пособие.* М.: ИЗиСП, 2018. — С. 3

<sup>15</sup> *Лазарев В.В. Пробелы в праве и пути их устранения // Юрид. лит.-ра., г. 1974 – с. 74*

генезисини белгилаш ва муаммонинг норматив-институционал сабабларини картографиялашни назарда тутати. Шунингдек, универсал ҳуқуқий техника талаблари асосида норманинг структураси, диспозицияси ва санкциясини *лисоний аниқлик*<sup>16</sup> ва терминологик уйғунлик билан ишлаб чиқиш, шунингдек, ижро механизми (*ваколатлар, мониторинг ва жавобгарлик, импакт-баҳолаш*)ни кафолатлаш талаб этилади. Мазкур моделнинг муваффақияти миллий илмий мактаб вакиллари (*А.Содиқов, Ш.Сайдуллаев, М.Нажимов*) ҳамда хорижий тадқиқотчилар (*В.Лихачёв, Е.Спектор, Ф.Уранский, В.Лазарев*) меросини интегратив тарзда қўллаш, ғоя ва методларни солиштирма таҳлил асосида синтез қилиш орқали таъминланади натижада ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлиги, норманинг ҳуқуқ-қўлланиш амалиётидаги предиктабиллиги ва ижтимоий самарадорлиги ошади.

Эндиликда, юқоридаги илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, мазкур параграфнинг мазмунини ёритиш учун қуйидаги саволларга илмий мазмунда тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бугунги кунда *қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг мазмун-моҳияти нимадан иборат? ушбу хизматнинг асосий вазифалари қайси йўналишларни қамраб олади? миллий қонунчиликда мазкур вазифалар қай тартибда мустаҳкамланган? маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг ушбу йўналишдаги назарий ёндашувлари қандай? ривожланган давлатлар тажрибасида қўриқлаш хизматларининг жинойтларни олдини олишга оид вазифалари қандай институционал механизмлар орқали амалга оширилади?* деган ўринли саволлар юзага келади.

Фикримизча, мазкур саволларга изчил ва мантиқий кетма-кетликда жавоб бериш параграфнинг илмий-методологик салоҳиятини оширади. Хусусан, *“қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти”* тушунчаси ва қўриқлаш хизматининг жинойтларни олдини олиш билан боғлиқ вазифаларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий назарий ёндашувлари ҳамда ривожланган давлатларнинг шу соҳадаги ижобий тажрибаларини таҳлил қилиб асослантирилган илмий хулосалар илгари сурилса муаммонинг илмий ечимларини янада равшанлашади.

<sup>16</sup> *Изоҳ:* матндаги сўз, бирикма ва гаплар *бир маъноли, аниқ ва тушунарли* бўлиб, турлича талқин қилиш эҳтимолини минимал даражага тушириш демакдир. Ҳуқуқий матнда бу — нормани ўқиганда ҳар бир шахс (*қонун чиқарувчи, амалдор, суд, фуқаро*) **бир хил маънони** тушунишига эришишдир.

Шу нуктаи назардан, кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир маҳаллий ва хорижий илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш долзарб илмий вазифадир. Хусусан, *А. Раҳимов, С. Аброрбек ва А. Умаровлар ўзларининг “Миллий гвардия кўриқлаш хизмати томонидан кўриқланаётган объектларда содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари”* деб номланган илмий мақоласида айнан кўриқланадиган объектларда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарликнинг ҳуқуқий-амалий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Мазкур илмий асарда муаллифлар маъмурий жавобгарликни қўллаш тартибини аниқлаш ва оптималлаштириш, процессуал жараёнларни ҳаддан ташқари бюрократик босқичлардан холи этган ҳолда соддалаштириш, шунингдек, профилактика чоратадбирларининг институционал ва амалий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурадилар. Ушбу ёндашувлар кўриқлаш хизмати фаолиятида ҳуқуқий аниқлик, тезкорлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга, шунингдек кўриқланадиган ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли асосда ташкил этишга хизмат қилади<sup>17</sup>. *Ҳ. Адашов* эса ўзининг “*Миллий гвардия кўриқлаш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасини ташкил этишда ҳамкорликни таъминлаш*” номли илмий мақоласида барвақт профилактика самарадорлигини оширишнинг устувор шарти сифатида идоралараро ҳамкорлик ва жамоатчилик билан ўзаро муносабатларни ягона институционал-ҳуқуқий механизм доирасида тизимлаштириш зарурлигини илмий асослайди. Муаллифга кўра, барвақт профилактика хавф омилларини эрта аниқлаш, ваколатли субъектлар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви, ресурс ва ваколатларни мувофиқлаштириш ҳамда кўшма чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш орқали таъминланади; натижалар эса доимий мониторинг, баҳолаш ва ҳисобдорлик механизмлари билан мустаҳкамланганда институционал барқарорликка эришилади<sup>18</sup> дейди. *Р.Б. Рахимжонов* бўлса ўз тадқиқотида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштириб, профилактиканинг турларини — *умумий, махсус ва яқка* — илмий мезонлар асосида фарқлайди. Муаллиф кўриқлаш хизмати амалиётига татбиқан “*шарт-шароитларни бартараф этиш*”

<sup>17</sup> *Raximov A.S., Umarov A.A. Milliy gvardiya qo'riqlash xizmati tomonidan qo'riqlanyotgan obyektlarda sodir etilgan huquqbuzarliklar uchun javobgarlik masalalari, Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies: Vol. 2 No. 2 (2023): ICMSSS*

<sup>18</sup> *Адашов Ҳ.Х. Миллий гвардия кўриқлаш хизмати томонидан ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасини ташкил этишда ҳамкорликни таъминлаш // Таълим фидойилари / Ta'lim\_fidoiyilari-2023-OKTABR-1-qism-256-261%20(1).pdf*

ёндашувини методик асос сифатида боғлаб, қўриқланадиган объект муҳитида хавфни юзага келтирувчи омиллар (*инженер-техник, ташкилий-процедуралар, ахборот-коммуникацион ва инсон омиллари*)ни диагностика қилиш ҳамда уларни изчил равишда бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарлик содир этиш имкониятини кескин қисқартириш мумкинлигини асослайди. Бунда периметр ва кириш-чиқиш режимини оптималлаштириш, ёритиш ва табиий назоратни кучайтириш, технологик назорат воситаларини жорий этиш, хизмат регламентларини аниқлаш ва ходимларни мўлжалли тайёрлаш каби чора-тадбирлар барвақт профилактиканинг институционал ва амалий самарадорлигини оширишга хизмат қилади дейди <sup>19</sup>. Ф. Абдуллаев ва С.Караматова ўзларининг “*Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш йўналишлари*” номли ишида қўриқланадиган объектнинг ички муҳит омилларини — кириш-чиқишни тартибга солиш, узлуксиз кузатувни таъминлаш ва қатъий режим интизомини қўллашни — профилактиканинг “шарт-шароитларни қисқартириш” модели билан боғлайди. Муаллифга кўра, идентификация-рухсатнома тартиблари, ташрифчилар оқимини бошқариш, периметр ва кириш нукталарини оптималлаштириш ҳамда регламентларни аниқлаш каби ташкилий-техник чоралар жиноят/ҳуқуқбузарлик содир этиш имкониятини кескин камайтиради. Бунда хавф омилларини хариталаш (*risk-audit*), тезкор ахборот алмашинуви ва назорат-баҳолаш кўрсаткичлари (очиқ қилиш эҳтимоли, вақтни кечиктириш, киришларга тўсиқ қўйиш даражаси)ни жорий этиш орқали профилактиканинг барвақт ва вазиятга мос самарадорлиги таъминланади<sup>20</sup> дейди.

Хорижий олимлардан О. Ньютон ўзининг “*Defensible Space: Crime Prevention Through Urban Design*” номли илмий асарида “ҳимоялана оладиган макон” назариясини илгари сураб экан, ҳудудийлик (*territoriality*) ва табиий назорат (*natural surveillance*)ни қўриқчи-гуардианнинг мавжудлиги ҳамда фазовий лойиҳалаш билан узвий боғлайди. Қўриқланадиган объектлар амалиётга татбиқ этилганда, периметрни аниқ шакллантириш, функционал зоналаштириш, кириш-чиқиш нукталарини рационаллаштириш ва визуал назоратни кучайтириш орқали “*ўзини ҳимоя қилувчи*” фазо яратилади, бу эса

<sup>19</sup> Раҳимжонов Р.Б. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси // <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-huquqbuzarliklar-profilaktikasi-sohasi/viewer>

<sup>20</sup> Abdullayev, F., & Karamatov, S. . (2024). HUQUQBUZARLIK LARNING OLDINI OLISH VA UNGA IMKON BERADIGAN SHART-SHAROITLARNI BARTARAF ETISH YO‘NALISHLARI. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 3(Maxsus son 12), 46–49. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/zdif/article/view/62898>

жиноят имкониятини пасайтиради ҳамда ходимлар ва фуқароларнинг профилактикада фаол иштирокини рағбатлантиради<sup>21</sup> дейди. *Jeffery, C. Ray* бўлса ўзининг “*Crime Prevention Through Environmental Design*” номли илмий асарида жиноятчилик имкониятларини физик муҳитни тўғри лойиҳалаш орқали қисқартиришга қаратилган бўлиб, асосий тамойиллар сифатида кириш-чиқишни назорат қилиш, кўринишни ошириш ва функционал-худудий ажратишни белгилайди. Қўриқланадиган объектларда бу тамойиллар идентификация-рухсат тизимлари, ёритиш ва кузатув инфратузилмаси, ҳаракат йўлаклари дизайни ва “эшик-ойна/кўринмас жойлар”ни минималлаштириш билан биргаликда қўлланилганда, профилактиканинг барвақт ва вазиятга мос самарадорлиги таъминланади<sup>22</sup> дейди.

Россиялик ҳуқуқшунос олимларнинг айнан қўриқланадиган объектлар атрофида жамоат тартибини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги ғояларни илгари суришган. Хусусан, *М.В. Буракова* ўзининг “*Организационно-правовые основы деятельности вневедомственной охраны*” номли асарида қонуний асосларга кўра қўриқланадиган объектлар атрофида жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида урғу беради<sup>23</sup>. *А.В. Шипулин* бўлса айнан “*Порядок и основания привлечения сотрудниками вневедомственной охраны граждан и юридических лиц к административной ответственности*” илмий асарида объект ичида режим бузилишларига нисбатан маъмурий таъсир чораларининг ҳуқуқий тартибини илмий мазмунда ёритган<sup>24</sup>.

Қайд этилган маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили, шунингдек амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани (Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-778-сон Қонуни ва Президентнинг 2021 йил 20 февралдаги ПҚ-4997-сон Қарори) ўрганиш шуни кўрсатадики, қўриқланадиган объектлар худудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг ўзига хос ҳуқуқий-ташкилий мазмуни аниқ ва тўғридан-

<sup>21</sup> Oscar Newman. *Defensible Space: Crime Prevention Through Urban Design* // Statistics based on New York City Housing Authority records. PP 45–46.

<sup>22</sup> *Jeffery, C. Ray* Crime prevention through environmental design // <https://archive.org/details/crimeprevention>

<sup>23</sup> *Буракова М.В. Организационно-правовые основы деятельности вневедомственной охраны.* – 2013

<sup>24</sup> *Шипулин А.В. Порядок и основания привлечения сотрудниками вневедомственной охраны граждан и юридических лиц к административной ответственности.* – 2020

тўғри таърифланмаган. Бунда 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон<sup>25</sup> ва 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарор<sup>26</sup>ларида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, субъектлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга оид вазифалар белгилангани инобатга олинса, кўриқлаш хизмати профилактика субъекти сифатида ушбу вазифаларнинг амалий ижросида ключ роль ўйнайди. Шу боис “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-778-сон Қонуннинг “Асосий тушунчалар” деб номланган 3-модда ўн иккинчи хатбошига қуйидаги муаллифлик таърифини киритиш мақсадга мувофиқ:

*“Кўриқлаш хизмати томонидан кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти — қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш тамойиллари асосида объект ва унинг атроф-муҳитида ҳуқуқбузарлик имкониятларини камайтириш, хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва безарарлаштириш, кириш-чиқиш ҳамда ҳаракатлар устидан ҳуқуқий асосланган тартиб-назоратни ўрнатиш, жамоатчилик ва манфаатдор давлат органлари билан тизимли ҳамкорликни таъминлаш ҳамда мутаносиб профилактик чора-тадбирларни қўллашга қаратилган дастурий-ташқилий, техник ва ҳуқуқий тадбирлар мажмуасидир.”*

Келажакда, мазкур таърифга асосланган профилактика модели қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институционал доирада ишлайдиган, маълумотга таянган ва цикли бошқарувга эга тизим сифатида шаклланади. У “аниқлаш → таҳлил → чора → ижро → мониторинг → такомиллаштириш” занжири орқали хавф-хатарларни барвақт идентификация қилади, муҳит омилларини тартибга солади ва қонуний тартиб-назоратни таъминлайди. Шу асосда профилактика субъектлари (*кўриқлаш хизмати, манфаатдор давлат органлари, жамоатчилик*) ўртасида маълумот алмашинуви ва мувофиқлашув институционаллашади.

Бундан ташқари, бугунги кунда кўриқлаш хизматининг кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир вазифаларининг ҳуқуқий манбалари ҳозирча тизимлашган ягона модда ёки институт доирасида эмас, балки бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига тарқоқ ҳолда

<sup>25</sup> Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарори // <https://www.lex.uz/docs/7330260>

<sup>26</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” // <https://lex.uz/docs/7690026>

жойлашгани кузатилади. Хусусан, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида Миллий гвардиянинг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатларини белгилайди, бироқ айнан қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш билан боғлиқ аниқ вазифаларни санаб ўтмайди<sup>27</sup>. Мазкур аниқ вазифалар амалдаги Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низомда, жумладан 13-банднинг 4–7-хатбошиларида қуйидаги мазмунда ёритилганини кўришимиз мумкин. Хусусан:

- а) хизмат ўтиши жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиши чораларини амалга ошириш;
- б) қўриқланадиган объектда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг сақланишини таъминлаш;
- в) сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиши;
- г) жабрланувчи ва ночор ҳолатдаги фуқароларга биринчи тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиши кабилардир<sup>28</sup>.

Шунингдек, бугунги кунда Миллий гвардиянинг умумий ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, жумладан 13-хатбошида аҳоли пунктларидаги жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш мақсадида патрулик қилиш вазифаси тариқасида мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин<sup>3</sup>. Бунга уйғун равишда, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси (бешинчи хатбоши)да Миллий гвардия органлари бевосита профилактик фаолиятни амалга оширувчи органлар тизимига киритилгани қайд этилган<sup>29</sup>. Демак, функционал жиҳатдан Қўриқлаш хизмати ходимларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти билан боғлиқ вазифалари мавжуд,

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун // <https://lex.uz/docs/6066682>

<sup>28</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5300150>

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>

бирок уларнинг манбалари қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмунларида тарқоқлигини кўришимиз мумкин.

Амалиётда бу парчаланиш “*Кўриқлаш фаолияти тўғрисида*”ги Қонуннинг 4-моддаси (“Кўриқлаш фаолиятининг асосий вазифалари”)ни умумий диспозиция сифатида талқин қилишга олиб келиши, натижада махсус субъект — Кўриқлаш бош бошқармаси ходимларининг айнан объект ҳудудидаги профилактикага дахлдор аниқ вазифалари қонун эмас, балки идоравий (устав/низом) сатҳда деталлаштирилиб қолиши мумкин. Бу эса норматив иерархия (*lex superior*), махсуслик (*lex specialis*) ва ҳуқуқий аниқлик (*legal certainty*) талаблари нуқтаи назаридан вазифалар тартиби, ҳисобдорлик ва самарадорлик мезонларини баҳолашда турлича талқинлар пайдо бўлиши хатарини оширади<sup>30</sup>.

Шундан келиб чиқиб, илмий-амалий ечим сифатида: а) “*Кўриқлаш фаолияти тўғрисида*”ги Қонунда алоҳида модда шаклида “Кўриқланадиган объектлар ҳудудида профилактика вазифалари”ни Низомдаги 13-банд 4–7-хатбошилар мазмунига мос равишда қонун даражасига кўтариш; б) ушбу моддада “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонун (9-модда) ва “Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонундаги (3-модда, 13-хатбоши) умумий ваколатлар билан ҳуқуқий боғлиқлик ва компетенция чегараларини аниқ белгилаш; в) инсон ҳуқуқлари, мутаносиблик ва ҳисобдорлик кафолатларини (изларни сақлаш, биринчи ёрдам, сабаб-шарт-шароитларни бартараф этиш) аниқ процессуал тартиблар билан мустаҳкамлаш; г) самарадорликни баҳолаш учун индикаторлар (масалан, “*аниқлаш → таҳлил → чора-тадбир → ижро → мониторинг → такомиллаштириш*” цикли)ни норматив иловада белгилаш мақсадга мувофиқдир<sup>31</sup>. Бундай кодификация ҳуқуқни қўллаш барқарорлиги ва институтлар ўртасидаги ваколатлар тақсимотининг шаффофлигини оширади.

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун, ЎРҚ-778, 8-модда (“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари”); Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4997-сон қарори, 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низом, 13-банд, 4–7-хатбошилар; “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун, ЎРҚ-778, 4-модда (“Кўриқлаш фаолиятининг асосий вазифалари”).

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4997-сон қарори, 2-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси тўғрисида”ги Низом, 13-банд, 4–7-хатбошилар // “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, ЎРҚ-371 (14.05.2014), 9-модда (“Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими”), бешинчи хатбоши.

Бугунги кунда кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ривожланган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кўриқлаш хизматининг “*ҳуқуқбузарликларни олдини олиш*”га қаратилган фаолияти лойиҳалаштиришдан тортиб ижро ва мониторингга бўлган тўлиқ профилактика циклига таянади. Бунда хавф-хатарларни аввало тизимли риск-баҳолаш орқали аниқлаш, кириш-чиқишни ҳуқуқий асосланган тарзда тартибга солиш, периметр ва ички ҳудудда табиий/техник назоратни кучайтириш, ходимларни деэскалация ва биринчи тиббий ёрдам кўникмалари бўйича тайёрлаш, воқеаларни ҳужжатлаш ва таҳлил асосида доимий такомиллаштириш.

Хусусан, *Буюк Британияда* бу ёндашув давлат назорати ва лицензиялаш билан қўллаб-қувватланади. Шунингдек, *Security Industry Authority (SIA)* лицензиясига боғлиқ ўқув модуллари замонавий талаблар асосида янгиланган бўлиб, хизмат кўрсатувчи кўриқчиларнинг *биринчи тиббий ёрдам, зиддиятни бошқариш* ва *жойида рискни баҳолаш* бўйича салоҳиятини оширишга қаратилгани профилактика самарадорлигини таъминлайди<sup>32</sup>.

*Франция давлатида* хусусий хавфсизлик фаолияти устидан миллий даражадаги регулятор CNAPS лицензия бериш, назорат ва интизомий чоралар қўллаш орқали соҳани “*профессионаллаштириш*” ва “*ахлоқийлаштириш*”ни таъминлайди, бу эса объектларда патрул, видеокузатув, ташир буюрувчиларни бошқариш ва профилактик текширувлар каби вазифаларнинг сифатига бевосита таъсир кўрсатади<sup>33</sup>.

*Германия давлатида* эса кўриқлаш фаолияти §34a GewO ва BewachV орқали қатъий ҳуқуқий тартибга солинади. Бу эса кадрларнинг малака имтиҳони шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштирилиши ҳамда хизмат жараёнидаги стандарт операцион тартиблар профилактикасининг меъёрий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлайди<sup>34</sup>.

*Европа Иттифоқи миқёсида* эса 2022 йилда қабул қилинган *Critical Entities Resilience (CER)* директиваси (EU)га кўра салоҳиятли (муҳим) субъектларни доимий риск-баҳолаш, барқарорлик чоралари, инцидентлар ҳақида хабардор қилиш ва идоралараро мувофиқлашувни йўлга қўйишга мажбур этади. Шунингдек, бу талаблар кўриқланадиган объектларда профилактик хавфсизлик бошқаруви ва ҳолатга тайёрликни институционал даражада кучайтиради<sup>35</sup>.

<sup>32</sup> Cookies on GOV.UK // <https://www.gov.uk/government/organisations/security-industry-authority>

<sup>33</sup> <https://soulierbunch.com/en>

<sup>34</sup> <https://www.sachkunde-34a.de/en/recht-vorgaben-34a-gewo-bewachungsverordnung>

<sup>35</sup> <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX%3A32022L2557>

Бундан ташқари, халқаро стандартларда ҳам ушбу тенденция мустаҳкамланмоқда. Хусусан, “Security Operations Management System” (SOMS) хавфга асосланган бошқарув, инсон ҳуқуқларига мувофиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини операцияларга жорий этишни талаб қилади. Бу эса кўриқлаш хизматининг барвақт огоҳлантириш, мутаносиблик ва ҳужжатлаштириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш функциясига тўғридан-тўғри хизмат қилади<sup>36</sup>.

Шу билан бирга, демократик полисинг мезонлари (*ҳисобдорлик, инсон ҳуқуқлари, жамоатчилик билан шериклик*) кўриқлаш амалиётида — айниқса жамоатчилик бўлган ҳудудларда профилактик таъсирни кучайтиришнинг асосий шартлари сифатида қаралади. Жумладан, БМТ ва ОБСЕ қўлланмаларидаги профилактикага қаратилган интеграциялашган ёндашувлар (*ижтимоий-вазоятли профилактика, ҳамкорлик механизми, далилга асосланган қарорлар*) кўриқлаш хизматининг объект ичидаги амалиётга методик ёрдам кўрсатади.

Юқорида баён этилган миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар амалиёти ва халқаро ҳуқуқ меъёрларининг қиёсий-илмий таҳлилидан келиб чиқиб, кўриқлаш хизматининг кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир вазифаларини тизимли тарзда мустаҳкамловчи “*Кўриқлаш фаолияти тўғрисида*”ги Қонуннинг “*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари*” номли 8-моддасини қуйидаги янги таҳрирда баён этиш таклиф этилади. Лойиҳа миллий меъёрий база талаблари, ривожланган давлатлар профилактикага йўналтирилган ёндашувлари ҳамда халқаро стандартлардаги қонунийлик, мутаносиблик, ҳисобдорлик ва инсон ҳуқуқлари қафолатларини ягона профилактика тизимига интеграциялайди.

## **Лойиҳа: 8-модда. Кўриқлаш бош бошқармасининг вазифалари**

**1. Ҳуқуқий мақом ва умумий қоидаси.** Ушбу Қонуннинг мақсадларига мувофиқ *Кўриқлаш бош бошқармаси* (кейинги ўринларда — *Бош бошқарма*) *Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш фаолияти соҳасида ваколатли тузилмаси ҳисобланади ҳамда Миллий гвардия номидан ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва назоратни таъминлаш вазифаларини бажаради.*

## **2. Бош бошқарманинг умумий вазифалари:**

*а) кўриқлаш фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда координаторлик ва институционал мувофиқлаштиришни таъминлайди;*

<sup>36</sup> Management system for private security operations — Requirements with guidance for use // [https://www.iso.org/standard/63380.html?utm\\_source](https://www.iso.org/standard/63380.html?utm_source)

б) Миллий гвардия томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари бўйича тарифларни иқтисодий асослайди, лойиҳалайди ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади; тасдиқланган тарифларнинг ижроси устидан мониторинг олиб боради;

в) давлат объектлари, ўта муҳим ва тоифаланган объектлар ҳамда бошқа объектлар, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкни қўриқлашни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

г) хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни қонунчиликка мувофиқ таъминлайди;

д) қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни юритади, улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан назоратни амалга оширади, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

е) идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровуллик бўлинмалари ходимларининг формали кийим-боши ва фарқловчи белгилари намуналарини тайёрлайди ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади;

ж) қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича намунавий шартнома шакллари ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади;

з) саф бўлинмалари, шунингдек идоравий жиҳатдан тегишли бўлган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровуллик бўлинмалари орқали қўриқлаш ҳамда қўриқлаш-техник хизматларнинг амалга оширилиши устидан методик раҳбарлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

и) қўриқлаш учун топширилган объектларни муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозлашнинг минимал талаблари, тартиби ва шартларини белгилайди;

й) Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлаш-техник хизматларни амалга оширишга доир рухсатномаларни тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, реестр юритиш ва улар ижросини назорат қилишни таъминлайди;

к) қўриқлаш-техник хизмат фаолиятини бошлаш/туғатиш тўғрисида хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

л) идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, қўриқланадиган объектларда назорат-ўтказиш режими ҳамда муҳандислик-техник жиҳозланганлик ҳолатини белгиланган даврийликда текшириб боради;

м) идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сони бўйича таклифларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда киритади;

н) қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёки ишлаб чиқилишига методик раҳбарлик қилади;

о) қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, илгор тажрибаларни жорий этишни таъминлайди.

**3. Бош бошқарманинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир устувор вазифалари:**

а) хавф ва таҳдидларни баҳолашни (*risk assessment*) доимий асосда ва объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширади; вазиятли профилактика, муҳитни назорат қилиш ва кириш-чиқишни бошқаришни ўз ичига олган комплекс профилактика дастурларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

б) қўриқланадиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйишни ташиқил этади; ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган ҳолларда қонунда назарда тутилган чораларни кўради ва ваколатли органларга дарҳол хабар беради;

в) ўзгалар мол-мулкани талон-тороғ қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида режим талабларига риоя этилишини таъминлаш, кириш-чиқиш ва юк/товар ҳаракати устидан назоратни ташиқил этиш бўйича объект маъмуриятлари билан биргаликда чоралар кўради;

г) видеокузатув, сигнализация, периметр назорати, интеллектуал таҳлил воситалари ва бошқа техник воситалардан профилактика мақсадларида фойдаланишни тартибга солади; инцидентлар ҳисобини юритади, таҳлилий ҳисобот тайёрлайди ва хавфсизлик чораларини доимий такомиллаштириб боради;

д) қўриқчи ходимлар тайёргарлигида деэскалация, коммуникация, биринчи тиббий ёрдам, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш, инсон ҳуқуқлари ва мутаносиблик тамойилларини қамраб олган мажбурий ўқув модулларини жорий этади;

е) профилактика самарадорлигини баҳолаш мезонларини (режим бузилишлари частотаси, ноқонуний кириш уринишлари динамикаси, жавоб қайтариш вақти, аудит натижалари ва бошқалар) белгилайди ва уларнинг бажарилиши устидан ички назоратни амалга оширади;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатлар хизмати, объект маъмуриятлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик механизмларини йўлга қўяди;

з) профилактика жараёнида шахсий маълумотлар ва хизмат сирларини муҳофаза қилиш, ахборотдан фойдаланиш қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлайди;

и) архитектура-инженерлик ечимлари орқали ҳуқуқбузарлик хавфини камайтириш (CPED) бўйича лойиҳавий тавсиялар беради ва уларнинг бажарилиши устидан объект маъмуриятлари билан биргаликда мониторинг юритади.

**4. Бош бошқарманинг методик раҳбарлик, стандартлаштириш ва ахборот тизимлари билан боғлиқ вазифалари:**

а) ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир корпоратив стандартлар, стандарт операцион тартиблар (SOP), профилактика дастурлари шакллари ҳамда KPI мезонларини белгилайди ва тасдиқлайди;

б) қўриқчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини аккредитация қилади, таълим стандартлари ва модулларини белгилайди, ўқув-услубий раҳбарликни амалга оширади;

в) муҳандислик-техник жиҳозлашнинг минимал талаблари, шунингдек кириш-чиқишни бошқариш, видеокузатув ва инцидентлар ҳисобини юритиш учун ягона форматлар ва реестрларни белгилайди;

г) профилактика ва ҳисобдорликни таъминлаш мақсадида манфаатдор давлат органлари ва объект маъмуриятлари билан интеграциялашган электрон ахборот тизимларини жорий этади ва ривожлантиради.

**5. Бош бошқарманинг назорат, аудит ва мониторинг билан боғлиқ вазифалари:**

а) қўриқланадиган объектларда профилактика талаблари бажарилиши ҳамда назорат-ўтказиш режими тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш мақсадида режавий ва мақсадли аудитларни ўтказиш;

б) аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беради ва уларнинг ижросини назорат қилади;

в) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда масъул мансабдор шахсларга нисбатан таъсир чораларини кўришга доир таклифлар киритади ёки белгиланган тартибда тегишли ваколатли органларга материалларни юборади.

**6. Бош бошқарманинг махсус воситалар ва хавфсизлик кафолатлари билан боғлиқ вазифалари:**

а) идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан қўлланилишига рухсат этилган махсус воситаларни олиш, ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, таъмирлаш ва йўқ қилиш қоидаларини белгилайди ва ижросини назорат қилади;

б) махсус воситалар қўлланилиши фақат қонунда белгиланган ҳолларда, зарурлик ва мутаносиблик тамойилларига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилишини, ҳар бир ҳолат бўйича ҳужжатлаштириши ва хизмат тегишлигини мажбурий тартибда ўтказилишини таъминлайди.

**7. Бош бошқарманинг ҳисобдорлик ва очиқлик билан боғлиқ вазифалари:**

а) қўриқлаш фаолияти самарадорлигига оид йиллик йиғма ҳисоботни шакллантиради ва белгиланган тартибда тақдим этади;

б) статистик маълумотлар, техник регламентлар ва стандартларга оид ахборотни (қонунчиликда қўриқланадиган сирлар мустасно) очиқлаш даражаси ва тартибини белгилайди.

**8. Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш.** Бош бошқарма маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатлар хизмати, давлат хавфсизлик хизмати, соҳа вазирлик ва идоралари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди ҳамда қўшма режалар, ўқув-маишулотлар ва тарғибот тадбирларини амалга оширади.

Қуйида баён этилган таклифларнинг амалга оширилиши ўрта ва узоқ муддатда қўриқлаш фаолиятининг ҳуқуқий-институционал пойдеворини мустаҳкамлаб, натижавийликни аниқ ўлчанадиган кўрсаткичлар орқали оширишга хизмат қилади. Натижалар илмий-академик услубда қуйида тизимлантирилади:

**1. Ваколат ва масъулият чегараларини аниқлашга хизмат қилади.**

Бунда норматив базада ваколатлар иерархияси, функциялар ва ҳисобдорлик нуқталари ҳуқуқий техника талабларига мувофиқ тартибга солинганда, ҳуқуқий коллизиялар, дубликация ва “вакуум”лар кескин қисқаради. Бу маъмурий қарорлар барқарорлигининг ошиши ҳамда судларда бекор қилинган қарорлар улусининг пасайиши орқали намоён бўлади.

**2. Профилактиканинг институционаллашувини амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда ҳавфларни баҳолаш (risk assessment), стандарт операция тартиблар (SOP) ва асосий иш фаолияти кўрсаткичлари (KPI)га таянадиган ягона профилактика циклини (“аниқлаш → таҳлил → чора → ижро → мониторинг → қайта кўриб чиқиш”) жорий этиш фаолият натижавийлигини ўлчаш ва доимий такомиллаштиришга имкон беради.

**3. Жамоат тартиби ва мулк хавфларни пасайтириш хизматини амалга оширади.** Бунда объектларда режим қоидаларига риоя этиш даражаси оширилиб, тезкор профилактик тадбирлар ҳисобига ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва режим бузилишлари частотаси камаёди.

4. **Аудит ва назоратни кучайтиришга хизмат қилади.** Бунда ички/ташқи аудит, корректив чора-тадбирлар ва “қиймат–самара” занжирини тизимли жорий этиш камчиликларни бартараф этишнинг ўртача вақтини қисқартиради ва такрорий нуқсонлар улушини пасайтиради.

5. **Техник стандартлашув ва интероперабелликни амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда сигнализация, видеомониторинг, идентификация ва ахборот тизимларини ягона техник регламентлар асосида интеграция қилиш маълумот алмашинувини яхшилайти ва нотўғри сигналлар улушини камайтиради.

6. **Кадрлар сифати ва процесс-этикасини амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда дэскалация, яъни инсон ҳуқуқлари, қонуний ва мутаносиб куч ишлатиш ҳамда самарали коммуникация бўйича модулли тайёргарлик компетенцияларни мустаҳкамлайди. Шунингдек, куч ишлатиш ҳолатлари ва жароҳатланиш кўрсаткичлари камайтиди.

7. **Ягона электрон реестр ва ҳисобдорликни амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда инцидентлар, профилактика тадбирлари, кириш-чиқиш логлари ва аудит натижаларини марказлашган электрон реестрда юритиш маълумотлар шаффофлигини оширади ва тезкор қарор қабул қилиш цикларини қисқартиради.

8. **Иқтисодий самарадорлик амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда ресурсларни хавф профилига мос тақсимлаш ва операцияларни стандартлаштириш “cost-per-incident” ҳамда ҳар м<sup>2</sup> учун эксплуатацион харажатларни (ОРЕХ/м<sup>2</sup>) оптималлаштиради; маржинал самара ўсади.

9. **СРТЕД асосида лойиҳалашни амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда “*Муҳит орқали жиноятларни олдини олиш*” (СРТЕД) ва Defensible Space (“химоялана оладиган макон”) принципларини — табиий назорат, ҳудудийлик ва қонуний фойдаланишни — объект дизайнига интеграция қилиш хавфни манбада пасайтиради.

10. **Халқаро стандартларга уйғунликни амалга оширишга хизмат қилади.** Бунда ISO, EN ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш этикасига оид меъёрларга мувофиқлашиш ташқи аудит натижаларини яхшилайти, шериклик рейтингларини оширади ва трансчегаравий ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради.

11. **Инсон ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.** Бунда пропорционаллик, зарурат ва ҳисобдорлик тамойилларига қатъий риоя этиш, шикоятларни кўриб чиқишнинг аниқ ва шаффоф тартиблари фуқаролар ишончини оширади ва даъво/шикоятлар улушини камайтиради.